

**Ўзбекистон Республикаси номидан**  
**Х У К М**

2024 йил май ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Каттакўрғон шаҳар “Ватанпарвар” МФЙ биносида бўлиб, якка тартибда, раислик қилувчи судья А.Олтибоев, судья ёрдамчиси О.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттакўрғон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси У.Салайдинов, судланувчи С.Давранов ва унинг ҳимоячиси Б.Махмудовларнинг иштирокида, судланувчи Давранов Сардор Эргашевичга нисбатан 1-1403-2401/49-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Давранов Сардор Эргашевич (Davranov Sardor Ergashevich), 1988 йил 6 апрель куни Каттакўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам ЖИБ Каттакўрғон шаҳар судининг 2015 йил 6 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖИБ Каттакўрғон шаҳар судининг 2016 йил 28 январь кунги ажримига кўра, 2015 йил 3 декабрь кунги “....Амнистия тўғрисида” ги Қарорига асосан жазодан озод этилган, ЖКнинг 78-модалдасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, ишсиз, Каттакўрғон шаҳар, “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини, Бобур кўчаси 23-уй, 32-хонада яшайди, иш бўйича унга нисбатан жамоат кафиллиги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 29 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,м” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни,-

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Давранов Сардор Эргашевич, 2024 йил 4 февраль куни соат 20<sup>00</sup> да спиртли ичимлик таъсирида маст ҳолатда Каттакўрғон шаҳар



“Ватанпарвар” МФЙга қарашли “Бобур” кўчаси 23-уй 32-хонадонда укаси Давронов Суннатилло Эргаш ўғли билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ошхона пичоғини қўлига олган ҳолатда укаси жабрланувчи С.Давроновни акаси Давронов Давроннинг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан чап сон қисмига бир маротаба уриб, унинг баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказган.

Судланувчи Давранов Сардор Эргашевич суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у Каттакўрғон шаҳар, “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини, Бобур кўчаси 23-уй, 32-хонада акаси Давронов Даврон, укаси Давронов Суннатилло ва келини Райимова Нигоралар билан биргаликда яшаб келишлигини, 2024 йил 4 февраль куни соат 17.00 ларда укаси Суннатилло билан телефон орқали гаплашган вақтида улар телефонда бир-бирлари билан ўзаро тортишиб қолишганлигини, шу куни у уйда спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, соат 20.00 ларда акаси Даврон келини Нигоралар билан уйда ўтиришган вақтида, укаси Суннатилло уйига кўчадан маст ҳолатда келганлигини, унга нима сабабадан унга телефонда носамимий муносабатда бўлганлигини, шунда улар яна ўзаро жанжаллашиб қолишганлигини, укаси Суннатилло қўлига шиша бутилкани олиб унинг бош қисмига икки маротаба уриб тан жароҳати етказганлигини, шунда бундан унинг жаҳли чиқиб, ошхонада турган пичоқни қўлига олиб акаси Давронов Давроннинг кўз ўнгида укаси Суннатиллонинг чап оёқ сон қисмига бир маротаба уриб тан жароҳати етказганлигини, шундан сўнг акаси Даврон уларни ажратиб қўйганлигини, акаси Даврон билан укаси Суннатиллони шифохонага олиб боришганлигини, ҳозирги кунда қилмиши оқибатларини англаб етганлигини, укаси Суннатиллодан кечирим сўраганлигини, улар ўзаро келишиб ярашиб, тинч-тотув яшаётганликларини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Давранов Суннатилло Эргаш ўғли суд мажлисида, у Каттакўрғон шаҳар, “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини, Бобур кўчаси 23-уй, 32-хонада акалар Давронов Даврон, Давронов Сардор ва турмуш ўртоғи Райимова Нигоралар билан биргаликда яшаб келишлигини, 2024 йил 4 февраль куни соат 17.00ларда акаси Сардор унга телефон қилиб бир кути краска сотиб олиб келишини, яшаш уйлари таъмирлашларини айтганлигини, шу вақтда унга краска олиб бормаслигини айтиб улар телефонда бир-бирлари билан ўзаро тортишиб қолишганлигини, шу куни у кўчадан спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолатда тахминан соат 20.00ларда уйига келганлигини, уйига кирган вақтида акаси Сардор унга нима сабабадан краска олиб келмаганлигини, ҳозир бориб краска сотиб олиб келишини айтганлигини, улар ўзаро жанжаллашиб қолишганлигини, акаси Сардорни юз қисмига қўллари билан уриб тан жароҳати етказганлигини, акаси Даврон уларни ажратиб қўйганлигини, жанжал вақтида дераза ойнаси синиб унинг қўлини кесиб кетганлигини, шундан сўнг акаси Сардор



ошохонадан кўлига пичоқ олиб чиқиб, акаси Давронни кўз унгида унинг чап оёқ сон қисмига бир маротаба уриб тан жароҳати етказганлигини, кейин уни шифохонага олиб бориб тиббий ёрдам кўрсатишганини, ҳозирги кунда унинг соғлиғи яхши эканлигини, акаси Сардор ундан кечирим сўраганлигини, улар ўзаро келишиб ярашиб, тинч-тотув яшаётганликларини, акаси Давранов Сардорга нисбатан бирор-бир даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг жиноят содир этганликда айби, унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатуви, билдирги, шифохона маълумотномаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, судга оид криминалистка хулосаси, кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, суд-тиббий экспертиза хулосаси, нарсани таниб олиш баённомаси ва фотосуратлар, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи С.Даврановнинг совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёни ишлатиб, ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган айбли ижтимоий хавфли қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,м” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Даврановнинг қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Давранов Сардор Эргашевичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг 2-хат бошида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилади"-деган талабига ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида яъни “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деган,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорига ва Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят



учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 25<sup>1</sup>-моддасида яъни “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир, тушунтирилсин-ки, суд ҳукмининг қарор қисмида озодликни чеклаш тариқасидаги жазо, яшаш жойини бутунлай тарк этишни тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг мазмуни аниқ кўрсатилиши лозим. Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга, вояга етмаганларга эса олти ойдан икки йилгача тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни ўташ шартлари суд томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва жазони ўташдан бўйин товлашнинг олдини олишни инобатга олган ҳолда белгиланади” деган ҳамда,

25<sup>2</sup>-бандидаги “Жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига мувофиқ қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин, муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, маҳкумларнинг назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, мазкур тақиқлар (чеклашлар) ЖК 48<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида белгиланган мажбурий тақиқлар (чеклашлар)га қўшимча ҳисобланганлиги сабабли, уларни маҳкумнинг зиммасига юклатилиши суд ҳукмининг тавсиф қисмида асослантирилиши лозим. Шу муносабат билан маҳкумнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатлари инобатга олинган ҳолда, ушбу қўшимча тақиқлар (чеклашлар) суд томонидан маҳкумга тўла ёки қисман юклатилиши мумкин” деган ҳамда,

25<sup>3</sup>-бандидаги “Жиноят кодекси 48<sup>1</sup>-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин. ушбу мажбуриятларни юклаш асоси суд ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозим”-деган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, суд судланувчининг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни яъни алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик юкланишини, шунингдек унинг шахсини инобатга олиб, муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик,



муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланмаслик каби мажбуриятларни юкламасликни лозим топиб, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро келишиб ярашиб, тинч-тотув яшаётганликларини инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона даста қисми 11,5 см.ни, тиғ қисми 9 см.ни ва эни 2 см.ни ташкил қилувчи ошоҳона пичоғини ҳукм қонуний кучга кирган сўнг йўқ қилишни лозим деб топади.

Бинобарин суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457,463, 465, 468, 471-473, 476-моддаларини қўллаб,

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Давранов Сардор Эргашевич(Davranov Sardor Ergashevich)Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,м” бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Давранов Сардор Эргашевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г, м” бандлари билан 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва у сутканинг муайян вақтида яъни соат 22:00 дан 06:00га қадар яшаш жойи Каттақўрғон шаҳар, “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини, Бобир кўчаси 23-уй 32-хонадан чиқиши чеклансин.

Судланувчи Давранов Сардор Эргашевичга:

- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Давранов Сардор Эргашевични ҳулқи устидан назорат олиб бориш Каттақўрғон шаҳар ИИБ пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати С.Давранов жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин, жазони ижросини таъминлаш Каттақўрғон шаҳар ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Давранов Сардор Эргашевич озодликни чеклаш жазосининг ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Давранов Сардор Эргашевичга нисбатан қўлланилган жамоат кафилиги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона даста қисми 11,5 см.ни, тиғ қисми 9 см.ни ва эни 2 см.ни ташкил қилувчи ошоҳона пичоғи ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.



Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ва прокурор протест билдириши, мазкур муддат ўтгач қонуний кучга кирган ҳукм устидан шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

**(имзо)**

**А.М.Олтибоев**

*Аслига тўғри:*

